

УДК: 581.6: 631.5: 633.88.

ДОРИВОР ҚИЗИЛ ЭХИНАЦЕЯ ЎСИМЛИГИНИ ЎСИШИ ВА РИВОЖЛАНИШИГА “ПЛАНТАСТИМ” МОДДА ҚЎЛЛАШНИНГ ТАЪСИРИ

Рузметов Умид Исмаилович

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти

Улугова Сафаргул Файзуллаевна

Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти, safargul.ulugova.78

Миркамилова Хилола Суръат қизи, Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти докторанти

Аннотация: Мақолада доривор эхинацея ўсимлигини етиштиришда уларнинг ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи моддадан фойдаланиш самарадорлиги кўриб чиқилади. Шу билан бирга қизил эхинацея (*Echinacea purpurea* (L.) Moench) ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишидаги биометрик кўрсаткичлари таъсири аниқланди. Плантастим моддасининг мақбул меъёردа фойдаланиш уларнинг самарадорлигини оширишга олиб келади.

Калит сўзлар: эхинацея, агротехника, плантастим, ўсимлик, парвариш, ўсиши ва ривожланиш жадаллиги.

КИРИШ

Ҳозирги кунда халқ табобати ва замонавий тиббиётда доривор ўсимликлар кенг қўлланилмоқда. Аҳолини дори–дармон маҳсулотлари билан таъминлаш, дунё давлатларида табиий дори маҳсулотларига бўлган талабнинг ниҳоятда ортиб бориши доривор ва зиравор ўсимликларга бўлган эҳтиёжни кучайтиради. Сўнгги йиллари дунёда доривор маврак ўсимлигининг барги хом ашёсини тайёрловчи етакчи мамлакатлар тупроқ шароитида, уруғидан экиш меъёри, етиштириш агротехнологияларининг илғор усулларини ишлаб чиқиш ва қўллаш ҳисобига барг ҳосилдорлигини ва сифатини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Доривор мавракнинг барг ҳосилдорлигини ошириш учун зарур минерал ўғитларни қўллаш натижасида мавракни ривожланишини жадаллаштириш, етиштириш ва кўпайтириш, дори тайёрлашга бўлган талабни қондириш борасида илмий–тадқиқотларга эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда ҳозирда етиштирилаётган доривор маврак барг хом ашёсига бўлган талаб тиббиёт ва табобат соҳасида ҳамда маҳаллий дори–дармон саноатининг доривор ўсимликларга бўлган эҳтиёжи ортиши кузатилмоқда. Ҳозирги вақтгача кўплаб олимлар томонидан республикамизнинг турли тупроқ–иқлим шароитларида доривор ўсимликларни етиштириш, кўпайтириш ҳамда плантацияларини барпо этиш, интродукцияси ва иқлимлаштирилиши борасидаги тадқиқотлар муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ–4670–сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора–тадбирлари тўғрисида”ги [1]., 2020 йил 26 ноябрдаги ПҚ–4901–сон “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий–тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора тадбирлар тўғрисида”ги [2]. қарорлари ва мазкур соҳага доир бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу мақола тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Ф.И. Маткаримов ва бошқалар [3] Тошкент вилояти шароитида нўхат ўсимлигини етиштиришда озиқлантирувчи плантастим моддасидан фойдаланилган, бунда ҳосилдорлик назоратга нисбатан 24,8% дан 73,4% гача яхши самара берган.

Ф. *Matkarimov* ва бошқалар [4] олиб борган тадқиқотларида озиқлантирувчи модда плантастимнинг ўсимликлар ўсиши ва ривожланиши, ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш учун дала тажрибаси ўтказилди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, плантастим препарати билан озиқлантирилганда ўсимлик баландлиги 27% га, илдиз узунлиги 77% га, илдизнинг қуруқ вазнини 15%, куртакнинг қуруқ оғирлигини 57% га оширган. Бундан ташқари ўсимликлар кўкарувчанлиги сонини 25%, уруғлар эса 28% га юқори бўлган. Яъни, назоратга нисбатан 34 фоиз атрофида кузатилган.

ТАДҚИҚОТ ОБЪЕКТИ ВА УСЛУБИЯТИ

Тадқиқот объекти сифатида доривор эхинацея ўсимлиги олинди. Тадқиқотлар давомида доривор эхинацея ўсимлиги ўсиши ва ривожланишига “Плантастим” моддасини турли меъёрлари ва нисбатларининг таъсири ўрганилди. Тадқиқотларда лаборатория ва дала тажрибалари, фенологик, морфологик, биометрик, экологик ва статистик услублардан фойдаланилди. Биометрик ўлчов ва таҳлиллар умумқабул қилинган услублар (Борисова, Бейдемман [5], Пономарев, Зайцев [6], Ярош, Терехин ва б.) ҳамда Давлат стандартлари бўйича амалга оширилди. Дала тажрибалари Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба майдонида (2020-2021 йй.) ўтказилди. Тажриба майдонининг тупроқлари оч тусли бўз тупроқлар бўлиб, ҳайдалма қатламининг гумус миқдори 0,80%, азот миқдори 0,085%, фосфор 0,125%, калий миқдори 0,490%ни ташкил қилди [7].

ТАДҚИҚОТ НАТИЖАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МУҲОКАМАСИ

Сирдарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлари шароити Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги тажриба майдонида ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи “плантастим” модда қўллашнинг доривор ўсимликлари ўсиши ва ривожланишига “Плантастим”-доривор ўсимликларга асосан, шоналаш ва ғунчалаш даврларида икки марта илдизи орқали озиқлантирилади. Тадқиқотларда озиқлантирувчи модда плантастим 10 литр

сувга 50, 100, 150, 200 мл микробиологик биостимулятори қўлланилди. Олинган тадқиқот натижалар шуни кўрсатдики, эхинацея ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига кўра, назорат вариантда ўсимлигининг бўйи 80,9 см; поя диаметри 7,7 мм ни ташкил қилди; иккинчи вариантда 84,5 см ва поя диаметри 8,3 мм; мақбул учинчи вариантда 96,0 см, поя диаметри 9,5 мм; тўртинчи вариантда бўйини 88,3 см, поя диаметри 8,8 мм, бешинчи вариантда бўйини 85,6 см, диаметрини 8,4 мм га оширди. Озиқлантирувчи модда плантастимнинг хар хил меъёрлари билан қўллаш ўсимликнинг назоратга нисбатан бўйини 1,1 баробарга, яъни 118% га, тана диаметри 1,2 баробар, яъни 123% ошиши кузатилди (1-жадвал).

1-жадвал.

Доривор қизил эхинацея ўсимликларининг ўсиши ва ривожланишидаги биометрик кўрсаткичлари (Сирдарё давлат ўрмон хўжалиги)

Вариантлар	Ўртача, M±n H–бўйи, см D–диаметр, мм	Σ	V	Назора тга нисбатан %	t	p
Назорат	H 80,9±0,28	,98	,45	100	1,4	,3
	D 7,7±0,14	,01	3,24	100	,1	,9
50 мл	H 84,5±0,22	,57	,94	104,46	1,9	,3
	D 8,3±0,11	,75	,86	108,96	,2	,3
100 мл	H 95,7±0,19	,31	,62	118,31	3,5	,2
	D 9,5±0,23	,64	1,37	123,55	,3	,4
150 мл	H 88,3±0,23	,64	,03	109,25	2,5	,3
	D 8,8±0,15	,06	3,83	114,53	,2	,7
200 мл	H 85,6±0,22	,54	,90	105,87	2,1	,3
	D 8,4±0,13	,91	1,91	109,54	,2	,5

ХУЛОСА

Сирдарё вилояти суғориладиган оч тусли бўз тупроқлар шароитида етиштирилган эхинацея ўсимлигининг биометрик кўрсаткичларига ўсиши ва ривожланишини бошқарувчи “плантастим” моддаси 1000 мл/га меъёри шоналаш ва ғунчалаш даврларида икки марта илдизи орқали озиқлантириш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 10 апрел “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш” чора-тадбирлари тўғрисида №ПҚ-4670-сонли қарори. –Тошкент, 2020.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 ноябр “Доривор ўсимликларни етиштириш ва қайта ишлаш, уларнинг уруғчилигини йўлга қўйишни ривожлантириш бўйича илмий тадқиқотлар кўламини кенгайтиришга оид чора-тадбирлар тўғрисида” ПҚ-4901-сонли қарори. –Тошкент, 2020.
3. *Matkarimov F, Jabborova D. and Baboev S. Enhancement of Plant Growth, Nodulation and Yield of Mungbean (Vigna radiate L.) by Microbial Preparations. Тошкент. 2019. –С.2382-2388.*
4. *Маткаримов Ф.И., Бабаев С.К., Тохирбоева Д.У., Холлиев О.Э. Влияние биопрепаратов на урожайность бобовых культур. Academic Research in Educational Sciences. Vol. 1 No. 1, 2020 ISSN 2181-1385. Тошкент. 2020. –С. 314-323.*
5. Бейдеман И.Н. Методика изучения фенологии растений и растительных сообществ. – Новосибирск: Наука, 1974. – С. 154.
6. Зайцев Г. Н. Фенология травянистых многолетников. М.: Наука, 1978. – С. 149.
7. Ўрмон хўжалиги илмий-тадқиқот институти. ҚХ-А-ҚХ-2018-109 илмий лойиҳасининг оралиқ ҳисоботи. “Asteraceae оиласига мансуб истиқболли доривор ўсимликларни турли тупроқ-иқлим шароитларида етиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш”. –Тошкент, 2018 йил.
18. Авезова, Д. (2022). статья Методика преподавания языка иностранным студентам. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 25(25).
19. Abdurasulovna, B. M. (2022). Clinical Features of Rheumatoid Arthritis in Patients at the Age of Older 60 Years Old. Central Asian Journal of Medical and Natural Science, 3(6), 650-655.
20. Авезова, Д. (2022). МОРФОНОЛОГИЧЕСКИЕ ЯВЛЕНИЯ В РУССКОМ СЛОВООБАЗОВАНИИ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 23(23).
21. Авезова, Д. (2022). КАКИЕ ГРАММАТИЧЕСКИЕ КАТЕГОРИИ ЯВЛЯЮТСЯ ОБЩИМИ ДЛЯ ЧАСТЕЙ РЕЧИ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО ЯЗЫКОВ?. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 23(23).
22. Авезова, Д. (2022). ОСНОВНЫЕ РАЗЛИЧИЯ МЕЖДУ СТРУКТУРОЙ РУССКОГО И УЗБЕКСКОГО СЛОВА. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 23(23).
23. Farkhodovna, K. F., Rakhmatulloevna, N. U., & Abdurasulovna, B. M. (2022). ETIOLOGY OF CHRONIC RHINOSINUSITIS AND EFFECTIVENESS OF ETIOTROPIC TREATMENT METHODS (LITERATURE REVIEW). Новости

образования: исследование в XXI веке, 1(4), 377-381.

24. Авезова, Д. (2022). статья Составные части и их выражение в творчестве Абдуллы Каххора. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 22(22).

25. Авезова, Д. (2022). Spirituality Маънавият инсонни комилликка етаклайди. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 22(22).

26. Авезова, Д. (2022). Инсоният тарихида БУЮК ЛЕВ ТОЛСТОЙ. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 17(17).

27. Авезова, Д. (2022). статья Стихи Есенина были его судьбой. ЦЕНТР НАУЧНЫХ ПУБЛИКАЦИЙ (buxdu. uz), 22(22).